

## Мот бўлган ҳасадчи



07:00 / 04.07.2019 2321

Довуд ибн Али ибн Абдуллоҳ одобли, ақлли, хушсурат, сахий, фақиҳ ва олим инсон эди. Абу Муъайт қабиласидан бир киши уни ёмон кўрар, кўрган жойида гап билан мот қилишга уринарди. Бир куни Довуд Ироққа, Холид ибн Абдуллоҳ ал-Қисрийнинг олдига келди. Муъайтлик ҳалиги одам уни йўлда учратиб қолиб, Довуд минган хачирнинг жиловидан тутди ва унга ёқмайдиган гапларни гапира бошлади. Довуд эса у гапини тугатгунича сукут сақлаб туриб, кейин: «Гапинг тугадими?» деди. У: «Ҳа», деди. Довуд унга: «Агар айтганларинг яхши гап бўлганида, сен уни биринчи бўлиб айтишда мендан ўзиб кета олмас эдинг», деди.

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**